Фикрлаш – ўзинг билан ўзинг баҳслашиш демакдир!

# INTELLEKT

ижтимоий-таълимий, маданий-маърифий газета

2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили

2020-yil 2-sentabrdan chiqa boshlagan ● 2020-yil, 30-noyabr № 6(6) ● www.samdchti.uz ● E-mail:intellektinfo@inbox.uz

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ПОЙДЕВОРИ МАКТАБДАН БОШЛАНАДИ

**Президентимизнинг жорий йил 6 ноябрда "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармон мамлакатимизда таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш, ўқитувчи ва педагог ходимлар, илмий ва ижодкор зиёлиларга бўлган ҳурмат-эътиборни янада ошириш, таълим олувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантиришга қаратилди.**

"Янги Ўзбекистоннинг пойдевори мактабдан бошланади" шиори бежизга айтилмади. Ушбу шиор фармонда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади. Мазкур фармон 24 банддан иборат бўлиб, айни вақтда муҳим тарихий ҳужжат ҳисобланади. Асосийси, республикамизнинг янги тараққиёти йўлида ва инсон капиталига сармоя киритиш ва ривожлантириш учун хизмат қилади.

Фармоннинг қуйидаги бандлари мактабларнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга:

Жумладан, фармоннинг 6 бандида айтилганидек, эндиликда халқаро фан олимпиадаларида ғолиблик *(олтин, кумуш, бронза медали)*ни қўлга киритган ўқувчиларни тайёрлаган умумтаълим муассасаларининг ўқитувчиларига – олий, академик лицей ва касб-ҳунар мактабларининг ўқитувчиларига – бош ўқитувчи малака тоифаси берилади ҳамда умумий ўрта, ўрта махсус таълим муассасалари ва касб-ҳунар мактаблари педагогларига 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб синф *(гуруҳ)* раҳбарлиги учун қўшимча тўловлар 1,5 бараварга оширилади. Шунингдек, 2021 йил 1 январдан бошлаб олис ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассисларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравaрида бир марталик бошланғич ёрдам пули ва уй-жойларни ижарага олганлик *(ижарада турганлик)* учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 баравaрида ҳар ойлик пул компенсацияси берилади.



Мазкур фармоннинг 10 бандига мувофиқ 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб мактаблар битирувчиларининг шаҳодатномасига мажбурий 11 йиллик таълимнинг сўнгги 6 йиллик баҳоларининг ўртача кўрсаткичи киритилади ва ушбу кўрсаткич олий таълим ташкилотига кириш имтиҳонларида инобатга олинади ва бу ўқувчилар учун яратилган кенг имкониятлардан биридир.

3 бандда халқ таълими ходимлари ўз ихтиёрига кўра халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида, педагог кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида ёки лицензияга эга нодавлат таълим ташкилотларида малакасини ошириши мумкинлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

2021 йил 1 апрелдан бошлаб Халқ таълими вазирлиги тизимидаги методистларнинг иш ҳақи миқдори – олий тоифали ўқитувчининг базавий тариф ставкаси миқдорига, касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармалари услубчи-маслаҳатчиларининг иш ҳақи миқдори – бош ўқитувчининг базавий тариф ставкаси миқдорига тенглаштирилаётганлиги, жумладан, олий педагогик маълумотга эга бўлмаган ўқитувчилар учун бакалавриатнинг сиртқи таълим шакли бўйича алоҳида мақсадли қабул параметрлари ажратилганлиги ҳам 5 бандда ўз аксини топади ва бу халқ таълими тизими ходимларига қаратилаётган асосий эътибордардан биридир.

2024-2025 ўқув йилига қадар фаолияти давомида юқори натижаларга эришган умумтаълим муассасалари педагогларининг ойлик маошини меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 15 бараваригача босқичма-босқич ошириб бориш чоралари ҳам айни дамда ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Энг муҳим жиҳатлардан яна бири бу мактаб директорлари ҳамда ўқитувчиларнинг рағбатлантирилишдир. Умумтаълим муассасалари битирувчиларининг олий ҳамда профессионал таълим ташкилотларига ўқишга кириш ҳамда ишга жойлашиш кўрсаткичлари 90 фоиз ва ундан юқори бўлса, муассасанинг директори 12 баравар, директор ўринбосарлари 6 баравардан, 85-89 фоиз бўлса, директорлар 9 баравар, директор ўринбосарлари 4,5 баравардан, 80-84 фоиз бўлса, директорлар 6 баравар, директор ўринбосарлари 3 баравардан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорида рағбатлантирилади.

"Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонига мувофиқ Самарқанд вилоят халқ таълими тизимида таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш ҳамда унинг мазмунини бойитиш мақсадида Самарқанд давлат чет тиллар институти мактаблар билан янги лойиҳани амалга оширмоқда.

Мазкур лойиҳа 2020-2022 йилларга мўлжалланган бўлиб, "English Access Microscholarship Program" деб номланади ва Самарқанд шаҳридаги умумий ўрта таълим мактаблари учун мўлжалланган. Лойиҳа асосида Самарқанд давлат чет тиллар институти профессор-ўқитувчилари мактаб ўқувчилари учун инглиз тилини чуқурлаштирилган ҳолда ўргатади ҳамда инглиз тилини билиш даражасини оширишади.

Лойиҳани амал тадбиқ этиш мақсадида институт Самарқанд шаҳридаги 2, 8, 9, 30 умумий ўрта таълим мактаблари билан ҳамкорлик шартномасини имзолади.

Шартномада педагог-ходимларнинг малакасини ошириш, республика ва халқаро миқиёсда анжуманлар, семинарлар, тренинглар ўтказиш, ўқитишнинг интерактив, масофавий турларини ишлаб чиқиш ҳамда мактаб ўқувчилари учун инглиз тили машғулотларини бепул ўргатиш кабилар ўз аксини топган.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз келажаги бўлмиш ёшларнинг ҳар томонлама камол топиши, юқори билим эгаллаши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши борасида кўрилаётган бу чора-тадбирлар, энг аввало, таълим сифатини тубдан яхшилаш ва замонавий олий таълим тизимини жорий этишга хизмат қилади.

**Илҳомжон ТЎХТАСИНОВ,**
**Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори.**

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМГА БОЛАЖОНЛАР ҚАМРОВИ ОШИРИЛДИ

**Таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш, мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари, ўқувчи ва талаба-ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш борасида юртимизда кейинги йилларда тизимли ишлар амалга оширилмоқда.**

Жумладан, 2020 йил 23 сентябрда "Таълим тўғрисида"ги Қонун имзоланди. 1997 йилдаги "Таълим тўғрисида"ги Қонунда "Мактабгача таълим" деб юритилган бўлса, янги Қонунда "Мактабгача таълим ва тарбия" деб юритилиб, "Мактабгача таълим ва тарбия болаларни ўқитиш ва тарбиялашга, уларни интеллектуал, маънавий-ахлоқий, этик, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожланишига, шунингдек, болаларни умумий ўрта таълимга тайёрлашга қаратилган таълим туридир", дея кенгроқ таъриф берилиши баробарида "олти ёшдан етти ёшгача бўлган болаларни бошланғич таълимга бир йиллик тайёрлашни ҳам назарда тутиш" таъкидланган. Шунингдек, янги "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги Қонун ҳам қабул қилинди.



Мактабгача таълим тизими сифати ва самарадорлигини, болалар қамровини ошириш ва мактабгача таълим ташкилотлари сонини кўпайтириш мақсадида Иштихон туманида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Туманда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини янада ривожлантириш, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан ошириш, илғор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этган ҳолда бошланғич таълимнинг юқори сифатини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2018 йилнинг январ ҳолатига 3-7 ёшли болалар сони 21 минг 177 тани ташкил этиб, шундан 2 минг 986 таси мактабгача таълимга қамраб олиниб, қамров 14,1 фоизни ташкил этган.

**(Давоми 4-бетда)**

**Америкалик шоира Эмили Дикинсон ёзади: "Мен Бреск майдонини кўрмаганман, бироқ у ерда гуллар қандай очилишини биламан; мен денгизда бўлмаганман, бироқ унинг мавжларини юрагимнинг тўлқинларига менгзашдан хабардорман; мен Тангрини кўрмаганман, аммо унинг меҳрибонлигини биламан..."**

# МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ВА ТИЛ МАСАЛАСИ

Мен эса роппа-роса юз йил олдинги ҳаётни кўрмаганман. Аммо бадиий адабиётлар, тарихий ҳужжатлар, боболар хотиралари туфайли кўп воқеа ва ҳодисаларни дилдан ҳис этаман.

Бувим ҳикоя килгувчи эдилар: Ўттизинчи йилларда ўлкамизда қаҳатчилик шу даражага етганки, кишилар ҳатто кўчаларда ҳушдан кетиб ўлиб қолишган. Моллар учун ғамлаб қўйилган емни еб ҳазм қилиш қийинлигидан бўкиб қолишган. Қароқчилик, ўғирлик, талон-тарож авж олган. Тут пишиғигача "йўғон чўзилиб, ингичка узилиб" етиб келишган. Фарзандларини боқа олмай бозорда сотиб юборишгани ёки қулчиликка беришгани сир эмас.

"Бошқа миллатнинг ёш болалари мактабда, лекин бизники ҳаммолликда ва гадойликда. Бошқа миллат уламосига тобе, бизнинг уламо бильакс авомга тобедир. Бунинг охири харобдур. Йигирма, ўттиз сана яна ёмонроқ бўлур. Мусулмонлик илм ва адаб ила қойим, миллат ахлок, фазл ва ҳунар ила боқий қолур!"

Бу сўзлар Туркистонда жадидчилик ҳаракати сардори Маҳмудхўжа Беҳбудийга тааллуқли. XIX аср бошида куйиниб ёзилган ушбу сўзлар, худди каромат қилингандек эди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳақида тожик совет энциклопедиясида жуда оз маълумот қолдирилган. Унда ёзилишича, Беҳбудий 1917 йилги буржуазия инқилобига катта умид боғлаган. Лекин инқилобнинг асл моҳиятини тушунмаган.

Йиллар ўтиб, тарихий ҳужжатлар тилга киргач, маълум бўлмоқдаки, Беҳбудий ва унинг сафдошлари инқилобдан миллий ўзликни тиклаш, тил ва маданият ривожини кутган. Афсуски, бундай ҳол юз бермади.

Қизиқ томони шундаки, Беҳбудий ўзи яшаб турган жамият камчиликларини 300 дан ортиқ мақолаларида, драма асарларида очиқ-ойдин кўрсатиб берди, аммо бунинг учун, табиийки, Бухоро амирига ёқмади. Туркистонда янги тузилаётган "Тузем мактаблари", ундаги муаллимлар ва дарсликлар ҳам талай камчиликларга эга эканлигини ҳам исботлаб берди. Бунинг учун эса совет ҳукуматига ёқмади.

**(Давоми 2-бетда)**

**Кўпни кўрган, дуогўй отахонларимиз ўзаро гурунгларда картошкани "Иккинчи нон", – дея таърифлашади. Кундалик ҳаётда ҳам рўзғорда ҳам картошкага талаб юқори ва оилавий эҳтиёжлар учун энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулот ҳам айнан картошка эканлиги барчамизга маълум.**

# Самарқандда қанча картошка етиштирилади?

Иккинчи жаҳон урушининг қаҳатчилик ҳукм сурган, бир бурда нон топиш анқонинг уруғига айланган даврида ҳам аҳоли, асосан, картошка истеъмол қилиб ҳалокатдан сақлангани тарихий манбаълардан мустаҳкам ўрин олган.

Шу мақсадда мамлакатимиз Президенти ва ҳукумат томонидан картошкачиликни ривожлантириш, унинг иқлимбоп ва серҳосил навларини маҳаллийлаштириш юзасидан истиқболли лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 майдаги "Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4704-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоятида ҳам кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда.

2020 йилда вилоятда 9 минг 414 гектар ерга картошканинг "Пекас", "Гала", "Фонтане", "Эвалюшн", "Аризона" сингари R1 нави экилган бўлиб, 131 минг 557 тоннадан ортиқ ҳосил йиғиштириш режалаштирилган.



Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан 2019 йил 4 октябрда тасдиқланган "Картошка уруғлик майдонларида апробация ўтказишга оид услубий қўлланма" асосида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия қилинган қишлоқ хўжалик экинларининг давлат реестрига киритилган картошка экинлари навлари ва дурагайлари экилган майдонлар инспекция органлари назоратига олинди.

— "Ўзагроинспекция"нинг Самарқанд вилоят бошқармаси "Уруғчиликни ривожлантириш маркази" ДКнинг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси ходимлари, туман қишлоқ хўжалиги бўлимлари мутахассислари иштирокида картошка экилган майдонларда апробация ўтказилди, – дейди Инспекциянинг Самарқанд вилоят бошқармаси қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари етиштирилиши ва таъминотини назорат қилиш бўлими бош инспектори Хушнуд Нурбеков. — Апробация натижаларига кўра 801 гектар майдонда етиштирилаётган уруғлик картошка яроқли деб топилди ҳамда 11 минг 150 тонна уруғлик картошка жамғарилади.

Маълумот ўрнида 2020 йил Булунғур туманидаги 15 та агрофирмалар ҳудудидаги фермер хўжаликлари томонидан 2 минг 201 гектарга картошка экилган бўлиб, 44 минг 20 тонна ҳосил йиғиштириб олинди. 2021 йил ҳосили учун 4 минг 572 тонна уруғлик картошка жамғарилди. Самарқанд туманидаги 304 та фермер хўжаликлари томонидан 356 гектар ерга экилган картошкадан 3 минг 916 тонна картошка етиштирилди.

**"Ўзагроинспекция"нинг Самарқанд вилоят бошқармаси ахборот хизмати.**

# ЎҚУВЧИЛАР ЎЗЛАРИ ҚИЗИҚҚАН КАСБ СИРЛАРИНИ ЎРГАНАДИ

**Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънавий етук, мустақил фикрлайдиган, билимли ва замонавий дунёқарашга эга, ватан тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол ёш авлодни тарбиялаш борасида мақсадли вазифалар белгилаб олинган.**

Айниқса, таълим-тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, боғча тарбияланувчилари, ўқувчи ва талаба-ёшларда замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълим тизимлари ҳамда илм-фан соҳаси ўртасида яқин ҳамкорлик ва интеграцияни, таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъмиллаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга миллий таълим-тарбия тизимининг амалдаги ҳолати уни замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар ҳаётга тадбиқ қилинмоқда.

Бу борада Булунғур тумани Халқ таълими бўлими томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётир. Халқ таълими бўлими тасарруфида 69 та умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда жами 37 мингга яқин ўқувчилар таълим-тарбия олишмоқда. Ўқувчиларнинг касб-ҳунарга бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида тизимли ишлар олиб бориляпти. Айниқса, мактабларда "Касблар ойлиги"нинг намунали ва ўқувчилар учун қизиқарли этиб ташкиллаштиришда ҳар бир мактаб масъуллари жонбозлик кўрсатишмоқда. Туман Халқ таълими бўлими ташаббуси билан тумандаги мавжуд муассаса, ташкилот ва корхоналарда "Очиқ эшиклар" кунлари ўтказилиб борилади.

— Булунғур туман 2-сон Касб-ҳунар мактабида бўлиб ўтган "Очиқ эшиклар" кунида 1 умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчилари иштирок этди, – дейди Булунғур туман 2-сон Касб-ҳунар мактаби директори Насиба Мамадиёрова.

Мактаб ўқувчиларининг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни таълим-тарбия билан бир қаторда касбга йўналтириш мақсадида кўпчилиги тадбиркорлик, миллий ҳунармандчилик, санъат ҳамда деҳқончилик каби йўналишларда фаолият олиб бораётган тадбиркор ва ишбилармонларга касб-ҳунар сирларини ўзлаштиришлари учун бириктириб берилмоқда. Бу билан эса "Устоз-шогирд" анъанаси йўлга қўйилмоқда. 71 умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Ойгул Анвархонова тенгқурлари билан ҳудуддаги деҳқончилик борасида кўп йиллик тажрибага эга Саидрасул Эшонхўжаев томонидан хонадонида ташкил этилган иссиқхонада помидор, бодринг ҳамда турли кўкатлар етиштириш сирларини пухта эгаллаб келмоқда.

**(Давоми 2-бетда)**



# "ЯГОНА МИЛЛИЙ МЕҲНАТ ТИЗИМИ" ҚАНДАЙ ИМКОНИЯТЛАР БЕРАДИ?

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ-4502-сонли "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 5 декабрдаги 971-сонли ""Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплекси жорий қилинишини ва унинг ишлашини таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларга мувофиқ, барча юридик шахслар томонидан "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексида, 2020 йил 1 январдан бошлаб янги меҳнат шартномаларини тузиш, амалдаги меҳнат шартномаларига ўзгартириш киритиш, шунингдек, уларни тугатиш, меҳнат дафтарчаларига киритиладиган ёзувлар 2020 йил 1 сентябрдан кечиктирмасдан мажбурий рўйхатдан ўтказиш белгиланган.**

"ЯММТ" ИДАК – Ахборот ресурслари, технологиялар ва алоқа воситаларининг ташкилий тартибга солинган мажмуи бўлиб, у орқали рўйхатга олинган меҳнат шартномалари ва ходимларнинг меҳнат стажига оид маълумотларни йиғиш, сақлаш ва қайта ишлаш амалга оширилади. Унга маълумот киритиш **my.mehnat.uz** сайти орқали амалга оширилади. Бу сайтда корхонанинг шахсий кабинетига кириш, электрон рақамли имзо билан амалга оширилади.




"ЯММТ" ИДАК дан фойдаланиш барча юридик ва жисмоний шахслар учун бепул ҳисобланади.

Меҳнат муносабатларини рўйхатдан ўтказишда "ЯММТ" ИДАКдан фойдаланиш ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъий назар, барча иш берувчилар учун мажбурийдир.

"ЯММТ" ИДАК – қуйидаги имкониятларни беради:

— аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш даражасини ва унинг самарадорлигини ошириш учун меҳнат бозори кўрсаткичлари ҳолати ва динамикаси тўғрисидаги ахборотлардан иборат маълумотларни идоралараро тизимлаштирилган тарзда ва мунтазам равишда электрон алмашишни жорий этиш;

— ходимлар ҳамда ишчиларнинг сон ва сифат таркиби, вакансиялар, шунингдек, ишга жойлашиш учун номзодларга иш берувчилар томонидан қўйиладиган малакавий ва бошқа талаблар тўғрисида автоматик тарзда тўпланадиган холис, шаффоф ва долзарб маълумотларни шакллантириш;

— меҳнат бозорининг, ҳудудлар, жинс ва ёш омиллари, соҳалар ва мутахассисликлар кесимида ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг ривожланиш тенденциялари прогнозини шакллантириш;

— корхона ва ташкилотларда мавжуд бўлган бўш *(вакант)* иш ўринлари тўғрисида ҳақиқий, шаффоф маълумотга эга бўлиш;

— бўш *(вакант)* иш жойлари таҳлил этилиб, мутахассисликларга бўлган талабни аниқлаш орқали олий маълумотли кадрларни тайёрлашда аниқ режага эришиш;

— пенсияга чиқувчи фуқароларнинг оворагарчиликларсиз, яъни битта паспорт билан ёшга доир пенсияга чиқишига эришиш мақсад этиб белгиланган.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти 2019 йил 3 октябрдаги ПҚ-4472-сонли "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Қарори талабларига асосан, энг истиқболли кадрларни давлат фуқаролик хизматига очиқ мустақил танлов асосида қабул қилишга хизмат қилади.

Президентимизнинг мазкур қарори 12 бандига кўра, меҳнат шартномаларини, амалдаги меҳнат шартномаларига ўзгартиришларни, уларнинг тугатилишини "ЯММТ" ИДАК да ўз вақтида рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, электрон меҳнат дафтарчасини шакллантириш бўйича масъулият иш берувчи зиммасига юклатилган.

2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексига 43 813 та юридик шахс ва 420 489 нафар жисмоний шахсларнинг меҳнат муносабатларига оид маълумотлари киритилди.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг меҳнат муносабатларига оид маълумотларини ҳам "ЯММТ" ИДАК га киритиш режалаштирилган.

**Дилшод БАБАЕВ,**
**вилоят Бандлик бош бошқармаси Меҳнат стандартлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўлими бошлиғи.**

## Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам нафақасини тайинлашда аризалар қандай тартибда кўриб чиқилади?

**Амалдаги Низомнинг 14-бандида болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдамни тайинлаш учун аризалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига оила ушбу нафақа ёки моддий ёрдам олишни хоҳлаган ойдан олдинги ойнинг 15-кунидан кечикмай, бироқ ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тўлаш муддати тугайдиган ойдан кейин *(бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш бўйича нафақа бундан мустасно)* тақдим этилади.**



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ариза берувчи ва унинг оила аъзолари таркиби, уларнинг иқтисодий ҳолати, оиланинг томорқа ер ёки деҳқон хўжаликларининг майдони ва аризада кўрсатилган манзил бўйича ариза берувчи ва унинг оила аъзолари яшаётганлигини текширади. Аризада кўрсатилган маълумотлар ишончлилиги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан ушбу низомда белгиланган шакл бўйича тасдиқланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳар уч иш кунида камида бир марта, бироқ ариза берилган ойнинг 18-кунидан кечиктирмай, ариза ва тақдим этилган ҳужжатларни ҳамда оиланинг таркиби, иқтисодий аҳволи тўғрисидаги маълумотларни тегишли Пенсия жамғармаси бўлимига тақдим этади.

Ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш тўғрисида қабул қилинган аризалар Пенсия жамғармаси бўлимининг масъул ходими томонидан ариза берилган ойнинг 25-кунидан кечиктирилмай, "Ягона реестр" ахборот тизимига киритилади.

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромаднинг ҳисоб-китоби ариза берилган ойдан кейинги ойнинг 1-кунигача "Ягона реестр" АТ томонидан автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади. Ижтимоий нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш "Ягона реестр" АТ томонидан автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади. Яъни, қарор қабул қилинишида Пенсия жамғармаси ходимларининг *(инсон омилининг)* қатнашиши мавжуд эмас.

**Акмалжон ҲАЙИТОВ,**
**Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Каттақўрғон туман бўлими ходими.**

# ЎҚУВЧИЛАР ЎЗЛАРИ ҚИЗИҚҚАН КАСБ СИРЛАРИНИ ЎРГАНАДИ

**(Давоми. Бошланиши 1 бетда)**

Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ҳамда психологик-педагогик Республика ташхис маркази томонидан белгиланган режага кўра мактабларда компьютер орқали "Касб танлови" номли платформага қандай кириш ва платформадан қандай тартибда маълумотлар олиш мумкинлиги тўғрисида 10-синф ўқувчиларига маълумотлар бериб борилмоқда.

Маълумки, Самарқанд заминида яшаб ижод қилган Ислом шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли каби етук бахшилар серқирра ижодлари билан мамлакатимизда бахшичилик санъатининг равнақ топишида ўз ҳиссаларини қўшган. Булунғурда эса Фозил Йўлдош ўғлининг издошларидан Шерқўзи Норбеков ушбу санъат, яъни бахшичилик йўналишида кўплаб ютуқларни қўлга киритган. Шерқўзи Норбековнинг атрофида шогирдлари доим жамулжам.

— Ютуқларимдан энг каттаси устозларимдан ўрганганларимни ёшларга ўргатаётганим ҳамда "Устоз-шогирд" анъаналарини давом эттираётганимдир, – дейди Шерқўзи бахши.

Ўқувчилар бўш вақтларида ўзлари қизиққан соҳаларда фаолият олиб боришлари билан бир қаторда касб-ҳунар сирларини ҳам пухта эгаллашмоқда. Тумандаги блок ишлаб чиқариш корхонасида ҳам 36- ҳамда 71- умумий ўрта талим мактабларининг бир қатор 10-11- синф ўқувчилари ҳунар ўрганишмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини такомиллаштириш, жамиятимизда ўқитувчи ва педагог-ходимлар, илмий ва ижодкор зиёлиларга бўлган ҳурмат-эътиборни янада ошириш, ўқувчиларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш, тизимда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эса, ўз ўрнида, ёшларни келажакда комил инсонлар бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ёш авлод тарбиясига қаратилаётган эътибор, келажакка эътибордир.

**Ваҳобжон АВАЗОВ.**

# МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ВА ТИЛ МАСАЛАСИ

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда)**

Жадидлар янги тузум — Мустақил Туркистон тарафдорлари эдилар. Бу тузумда диний таълим билан биргаликда дунёвий таълим бирдек олиб борилиши лозим эди. Шу эътиқод ила янгича мактаблар ташкил этилди, дарсликлар ёзилди.

1917 йилнинг апрель ойида Туркистон мусулмонларининг 150 вакили иштирокида ўлка қурултойи ўтказилди. Катта умид ила шу йилнинг ноябрь ойида Қўқонда ўлка мусулмонларининг 15-фавқулодда қурултойи иш бошлади ва Туркистон мухторияти эълон қилинди.

Афсуски, мухторият ер билан яксон қилиниб, қурултой иштирокчилари турли тазйиққа дучор бўлди. Чунки, ер ости ва ер усти бойликларимизга сўзсиз эга бўлмоқни истаган болшивизм тарафдорларига бу мустақиллик маъқул келмаган эди. Шунда жадидлар ҳеч бўлмаса миллий тилимизни сақлаб қолиш учун ҳаракатни бошладилар. Туркистон аҳлини бирлашишга чақирдилар ва ягона туркий адабий тил учун кураш олиб бордилар. Ўлканинг турли ҳудудларида яшайдиган аҳолининг шеваси ва лаҳжаси турлича бўлгани оқибатида Андижонда ёзилганни Бухорода, Авлиёотада ёзилганни Қаршида тушуниш мушкул эди. Бунинг учун туркий тилни саралаш, минг йиллардан бери ўз таъсирини ўтказган форс ва араб сўзларидан иложи борича тозалаш керак эди. "Тил масалалари" мақоласида айтилганидек, "Тиллар замон ила ислоҳ бўлур, бирдан ислоҳ бўлмас".

Беҳбудий "Тўрт тилни билмоқ



керак ва ҳар бир тилни мукаммал ишлата олиш лозим. Бир-бирига қориштириш мумкин эмас. Рус тилини билмоқ жаҳон тилларини ўрганишга туртки бўлади. Дунёдаги илмий ва фан тараққиётни тушуниш учун немис, француз, инглиз, италян, араб, япон тилларидан бирини билиш керак", деб ёзади.

Туркистонда ягона туркий тилни барқарор қилиш мушкул иш эди. Бунинг учун форсий ва арабий сўзларни тилимиздан қувиш, иложи борича хорижий тилларнинг ҳужумидан ҳимоя қилиш керак эди. Бутун Туркистонда ҳам фан, ҳам мактаб-мадрасалар, ҳам газета-журналларда ягона мукаммал тил бўлиши лозимлигини орзу қилди.

Тилимизга кириб келган ҳафта кунлари номи: Душанба, Сешанба, Чоршанба, Пайшанба, Одина *(жума)* сўзлари форсийдан кириб келган. Уларни ўзгартиришнинг иложи йўқ. Бундан фойда ҳам йўқ. Ёки исмларимизнинг ҳам ўндан тўққизи арабий ҳисобланади. Бунда ҳам ислоҳ йўқ. Китоб, котиб, мактаб, мадраса, қироат, қаноат, қобилият, жума каби юзлаб сўзлар ҳам энди "ўзимизники" ҳисобланади. Уларнинг таржимасини топиш учун сарфланадиган вақтни янги тилни ўрганишга сарфлаш мумкин.

Туркий тилни ислоҳ қилиш, мунаввар қилиш лозимлигини уқтиришди жадидлар. Масалан, "Садои Туркистон" да чоп этилган "Тил масаласи" мақоласида шундай сўзлар бор: "Курраи арзда яшамакда бўлган ҳар бир миллатнинг ўзига махсус бир лисони миллийси бордир". Шу гапнинг ўзини ҳам бироз туркий қилиш мумкин, деб ёзади Беҳбудий. Жамлаш оҳангида айтиладиган арабча сўзларни ҳам туркча жамлаш мумкин. Масалан: "фунун, уламо, куззот, демоқ ўринда фанлар, олимлар, қозилар" дейиш мумкин.

"Ойна" журналида миллат ва унинг ҳақ-ҳуқуқига, тарихига, тил ва адабиёт масалаларига доир қизиқарли маълумотлар ёзди. Тилнинг муҳофазаси учун "Ҳар бир миллат ўз тили ила фахр этар", "Ўзаро муносабатлар", "Тил масаласи" мақолалари чоп этилди. Беҳбудий миллат шаънини оёқ ости қилувчи фикр-қарашларга зарба бериб, Туркистон халқини ўз номи билан атамоқ лозимлигини талаб қилиб чиқди. Ҳатто, маҳалла, қишлоқ номларини қўйишда ва аташда шу жойнинг тарихи ва миллий урф-одатларига амал қилишга чақирди.

Орадан қарийб юз йиллар ўтгач, Беҳбудий ва унинг сафдошларининг орзу-умидлари рўёбга чиқа бошлади. Ўзбек тили давлат тили мақомини олди. Турли лаҳжа ва шевалардан озод адабий тил янада сайқалланди. Миллий тил ривожи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Жой номларини аташда миллийликка, урф-одатларга эътибор берилди. Миллий қаҳрамонларимиз номлари абадийлаштирилди. Донишманд боболардан қолган бадиий ва илмий меросни таржима эмас, аслиятда ўқиш, ўрганиш имконияти яратилди. Ўзбек тили туркий тилларнинг асосий бўғинига айланди.

Майли, бугунги ёшларимиз Беҳбудий таъкидлаганидек, тўрт тилни эмас, кўпроқ тилни ўрганишсин, дунё тилларида мукаммалликка эришсин, аммо ўз она тилларида зукко бўлишсин.

**Дилафруз РАҲМАТОВА,**
**Самарқанд давлат чет тиллар институти ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.**

# ҚИШ ҒАМИНИ ЁЗДА Е

**Айни пайтда вилоятда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, аҳолининг унга бўлган эҳтиёжини қондириш, бозорларда маҳсулот тури ва нарх-навонинг барқарорлигини сақлаш мақсадида бир қатор деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари захираси яратилган.**

Халқимизда "Қиш ғамини ёзда е" деган нақл бор. Паст Дарғом туманидаги "Дилафрўз" фермер хўжалиги меҳнаткашлари ҳам ушбу нақлга амал қилиб, қишки ва баҳорги мавсумда аҳолига арзон ва сифатли маҳсулотларни етказиб бериш мақсадида 350 гектар майдонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирди. Деҳқонларнинг омилкорлиги ва заҳматли меҳнатлари эвазига етиштирилгин 130 тонна картошка, 100 тонна сабзи, 100 тонна шолғом, 20 тонна турп, тарвуз, қизил лавлаги, бундан ташқари, дуккакли маҳсулотлардан мош ва ловиянинг белгиланган захираси яратилди. Хўжаликнинг беш гектар дала майдонида етиштирилган шолғом ҳали йиғиштириб олинмаган. Бунинг эса сабаби бор.

— Бир совуқ еган шолғом минг дардга даво бўлади, – дейди "Дилафрўз" фермер хўжалиги раҳбари Шерали Раҳмонов. — Айни пайтда фермер хўжалигимиз аъзолари захира қилинган маҳсулотларни сақлаш, уни навбати билан бозорларга етказиш каби вазифалар билан бир қаторда келгуси йил ғалла ҳосилини яратиш учун қишки дала юмушлари билан банд.

## Нурободда 18 минг тонна дағал хашак, 5 минг тоннадан зиёд озуқа жамғарилди

**Доно халқимиз деҳқончилик бир йилда, чорвачилик қирқ йилда деб бежиз айтишмаган. Ҳақиқатан, аҳолини сифатли ҳамда арзон гўшт ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга бел боғлаган чорвадорлар қишда ҳам тиниб-тинчишмайди. Кунни-тунга улаб, отари кетидан юрган чўпон чўлиқлар фаолияти бунга ёрқин мисолдир.**

Айни кунларда вилоятнинг Нуробод туманидаги чорвадорлар ҳар қачонгидан ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишмоқда. Асосий эътибор, қишловни беталофат ўтказишга қаратилган. Қоракўлчиликка ихтисослашган 6 та масъулияти чекланган жамият ҳамда 94 та чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари томонидан 194 минг гектар яйловда 114 минг 655 бош қўйлар парваришланмоқда.



Майда шохли молларни қишловдан беталофат олиб чиқиш, қўзилатиш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида қарийиб 18 минг тонна дағал хашак, 5 минг 732 тонна кучли озуқа жамғарилган.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг Нуробод туман бўлими томонидан мавжуд отарларда қишловга тайёргарлик тадбирлари мониторинг-таҳлил тарзида ўрганилмоқда. Ҳар бир отарда яратилган шароитлар, ечимини кутаётган муаммолар таҳлил этилиб, улар ўз вақтида ва сифатли ижро этилмоқда.

Амалга оширилган назорат тадбирлари самараси ўлароқ, чўпон уйларининг барчасига иситиш печлари ўрнатилиб, кўмир ва ўтин захираси шакллантирилди. Чўпонлар қўл фонари, иссиқ кийим-бош ва бошқа зарурий жиҳозлар билан таъминланди. Белгиланган жадвал асосида чўпон уйларига махсус жиҳозланган автомашиналар орқали ичимлик суви келтирилмоқда.

Шунингдек, 2021 йили туман чорвадорлари ҳар 100 бош қўйдан 70 та соғлом қўзи олишни режалаштиришган. Мавжуд 6 та масъулияти чекланган жамият отарларида боқилаётган 91 минг 517 бош қоракўл қўйларидан наслдор қўзи олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги қоракўлчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларидан наслли қўчқорлар келтирилди.

Бир сўз билан айтганда, Нурободлик чорвадорлар қишловни беталофат ўтказиб, миллий бойлигимиз қоракўлча териларни экспортга чиқариш учун астойдил меҳнат қилишяпти.

**Ўз мухбиримиз.**

# ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

**1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади**

2020 йил 1 декабрдан:

— маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судлар ваколатига ўтказилади;

— ҳуқуқбузарликларни содир этган шахс томонидан маъмурий жаримани суд ва ваколатли идораларда иш кўрилгунга қадар ихтиёрий тўлаш рағбатлантирилади.

*2. Умумтаълим фанлари бўйича сертификатлаш жорий этилади*

Босқичма-босқич бакалавриат таълим йўналишларига мос фанлар мажмуасидаги умумтаълим фанларидан билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизими жорий этилади.

Умумтаълим фанлари бўйича сертификатлаш 2020 йил 1 декабрда она тили ва адабиёт *(ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, қорақалпоқ тили ва адабиёти)* ҳамда математика фанлари бўйича жорий этилади.

**3. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети республикадаги барча жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ташкилотлари ҳамда спорт федерациялари *(уюшмалари)* фаолияти устидан ўқув ва илмий-услубий раҳбарликни амалга оширади.**

*4. Ўзбекистоннинг Афғонистон Ислом Республикасида савдо ва иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилади.*

**5. Давлат божхона қўмитаси ҳамда Ички ишлар вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси эҳтиёжларидан келиб чиқиб, йилига 5 тадан ўсимликлар карантини соҳасидаги ўзига хос "детектор"лар - хизмат итлари ҳамда 5 нафардан кинологлар тайёрлаб берилишини таъминлайди.**

*6. Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси ташкил этилади*

**Жамғарманинг асосий вазифалари, жумладан, қуйидагилар ҳисобланади:**

— давлат тиббий суғуртаси тизимини жорий этиш, бошқариш ҳамда ушбу соҳада ягона давлат сиёсатини амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

— аҳолининг барча қатламларини кафолатланган пакет доирасида сифатли ва зарур тиббий ёрдам билан таъминлаш мақсадида тиббий хизматлар стратегик харидни тизимини жорий этиш.

**7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатадиган I ва II тоифаларга мансуб бўлган мўлжалланаётган ва режалаштирилаётган фаолият турлари бўйича жамоатчилик эшитувлари ўтказилади.**

*8. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан биотехнологиялар соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган кредитлар бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача* ***(50 фоизи ҳам киради)****, бироқ 8 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда кафиллик берилади.*

Кредит суммаси 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган биотехнологиялар соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун қуйидаги миқдорларда компенсация берилади:

— миллий валютадаги кредитлар бўйича - Марказий банк асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ортиқ, бироқ 5 фоизли пунктдан ошмаган миқдорда;

— хорижий валютадаги кредитлар бўйича - тижорат банклари томонидан белгиланган ставканинг 30 фоизи, бироқ 4 фоизли пунктдан ошмаган миқдорда.

Биотехнологиялар соҳасида илмий тадқиқотлар ва инновацион фаолиятни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонга 3 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган тўғридан-тўғри инвестиция киритган хорижий илмий ташкилотларга илмий тадқиқотларни амалга ошириш учун 10 миллиард сўмгача мақсадли грантлар тақдим этилади.

**9. 2020 йил 1 декабрдан:**

— жиноят натижасида давлатга етказилган зарар, давлат божлари, жиноий ва маъмурий жарималар, давлат фойдасига бошқа турдаги ундирувлар ҳамда давлат даромадига ўтказиладиган олиб қўйилган мол-мулкни сотишга оид ижро ҳужжатлари бўйича келиб тушган маблағлар алоҳида ғазначилик ҳисобрақамида жамланади ва белгиланган миқдорда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"га киритилган фуқароларни қўллаб-қувватлаш учун очилган ҳисоб рақамларига пропорционал тартибда йўналтирилади;




— ижро ҳужжатини мажбурий ижро этиш давомида қарздорнинг хатланган мол-мулки бошланғич нархдан 30 фоизлик чегирма билан, Давлат бюджетига ундиришни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича сотилаётган мол-мулк эса - ҳудудий кенгашлар қарорига мувофиқ 50 фоизгача чегирма билан нархни ошириб бориш услубида ўтказиладиган дастлабки электрон онлайн-аукционга қўйилади *(бундан гаровга қўйилган мол-мулк билан таъминланган қарздорликни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари мустасно).*

Илҳомжон Тўхтасинов, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори, профессор

# NAVOIY (Novel)

Илк бор ўзбек тилидан инглиз тилига таржима

(Давоми. Бошланиши олдинги сонларда)

Sultonmurad mentioned only one sophistical poem and he compared some hemistiches of the poem with the contemporary poets such as Sheraziy and Jamiy. Then he began to recite the poems of ten different poets and gave his opinion on those poems. At the end, Sultonmurod stopped the discussion when the poet went to the shop to see his nephew. Anyway, the discussion kept going and Zayniddin spoke about the works of new and old poets of Herat. Then he continued telling funny stories. When he told one of the funniest stories about Jamiy and Sogariy *(Abdurakhman Jamiy (1414-1492) —a famous poet. One of Navoiy's friends; Sogariy is a poet of XV century.)* Sultonmurod laughed loudly. He tried to stop himself and said: "That's enough!" while he was controlling himself, the poet Turabiy entered.

— If I am not mistaken, you were going to the shop. Where have you been? − said Zayniddin.

— Unfortunately, you were absent, − said Sultonmurod. — You missed the funny stories of Zayniddin.

— I have brought information about a person whose words are brilliant − said Turabiy.

— Well? − two students looked at him.

— Alisher Navoiy has returned to the city.

— Really?

— Of course, everybody is speaking about it.

— We should meet with him, − Sultonmurod stood up.

— We haven't been informed, he has arrived his home, − said the poet and continued: — Zayniddin, have you ever talked with Alisher?

— I don't know, but he has come to madrasah several times. He was close with our teachers.

— As butterflies love flowers that man also was interested in science, poetry and art from his childhood, − said the poet.

— I have never seen Alisher, − said Sadulla with excitement, — but as soon as he came to Herat I have heard many good words about that famous man of the world. He writes beautiful poems. Please, tell me about his life in detail, because I have heard a lot about his good qualities, but nothing about his life...

Poet Turabiy was thoughtful for a while and then he began to speak:

In spite of little connection between us, like all people living in Herat, I know a little about the life of that man. Alisher was born in a respectful and noble family. His grandfather and father served to Temur...

His father, who appreciated science and education, was a khakim of Sabzavor *(A small city in Khorasan)* and he brought his child up well. Alisher was capable in all spheres of science as well. One more thing is that, Alisher and Sultan Khusayn Boyqaro were friends and schoolmates from their childhood.

— We know, Alisher wrote poems from an early age and he is famous as a bilingual poet. When he was serving to Abulkhosim Bobur he was 15 years old. At that moment his works written in Uzbek and Persian were widespread among people. He wrote Persian poems under the pen name "Phaniy", and for the Turkish poems he used the pen name "Navoiy". I remember, all outstanding poets of Herat discussed his poems.

— Mavlano Lutfiy was ready to exchange his whole works to Alisher Navoiy's poem of two lines − said Sultonmurod.

— Obviously, it is right. Poet Lutfiy spoke about Navoiy's talent in writing poems several times, − said poet Turabiy. — Indeed, Navoiy created the most important peculiarities of our mother language. You may ask from your teachers and scientists of our period about Alisher's talent and knowledge. He studied in Herat and Mashkhad for many years.

According to Fasikhiddin's words, Alisher is acquainted with every science such as philosophy, logic, archery and music, − said Sultonmurod.

Alisher Navoiy is a skillful calligrapher. He has great talent in music. He considers it as people's weakness if they are not familiar with music, − said Zayniddin.

— Exactly, poets should know the music and melody of the words, − said Sultonmurod, — well, has Navoiy visited Samarkand officially?

— Only for education, − said Turabiy.

— For education? − asked Sultonmurad and added. — Samarkand was a treasure of knowledge in the period of Ulughbek. Now it has changed. All scientists moved to Herat from Samarkand.

— To my mind all information about this is not true, − said Zayniddin to Turabiy.

Listen to me, I will prove it to you, said Turabiy, − my friends who come from Samarkand or others who have gone there on their business have told me about Navoy several times. He takes lessons regularly from a famous lawyer Khoja Fazlullo Abullays. They are very close to each other. The hakim of Samarkand and poet Akhmad Khojibek and Alisher were close friends too.

— Well, if they ask Alisher about himself, he may answer the same to you. We can even trust that he was taught by Khoja Fazlullo Abullays, but this is just the surface of the matter.

— What is the truth in that case? − asked mavlono Turabiy.

— According to some very truthful people's words, Alisher had very bad relations with the dead king Abusaid mirzo. Abusaid mirzo did not want Alisher to live in Herat. That is why Alisher had to leave Herat for Samarkand three years ago. In addition, the real reason of conflict between the king and Alisher is, of course, some political views. Wait a little, my friend, I will tell you a story: everybody knows that the former king's enemy was king Boyqaro and Alisher was Boyqaro's close friend. Besides, Alisher's uncles were Husayin Boyqaro's close people and they helped him to fight for the throne. These reasons made Abusaid mirzo hesitate Alisher, didn't they?

Mavlono Turabiy did not mind. Frankly, he could not find any reason to disagree with him, so he just kept silent and looked down. Sultonmurod, who had been listening to this argument between them attentively, said the following:

— I guess Zayniddin's words are more meaningful than the others are. My friend Zayniddin may make mistakes while praying five times a day but he will never make a mistake about the events of Herat.

Everybody laughed. At that very moment, new guests came in and most of them were poets. Everybody was talking only about Alisher!

Tugonbek wandered in the market for a long time. The smells of bread being baked in the bakeries and various meals were so yummy that he hardly could manage to stay away of them. He was very hungry, but unfortunately, he had nothing in his pocket.

Five years ago, when he first came to this city he had only twenty-five dinars *(A dinar is equal to about fifty cents)* in his pocket. He spent that money very economically and used them for some time. Now he had nothing in his pocket; he even borrowed some money from butchers and bakers and he had only a knife made of elephant's teeth and silver to sell. However, Tugonbek did not want to sell it for two reasons even though he was about to die of hunger. First, he liked knives very much. As is known, some people believe in prays, some believe in various totems and Tugonbek believed in the sacred power of knives. Secondly, it was inherited from his ancestors. This knife was his grandparents' lucky companion! Tugonbek did not look for any job to earn some money. He did not like working. He thought that any kind of job would humiliate his pride and respect. But he did not consider wandering along the snowy storms and in the mountains and in the hot Asian desert to do hard work. He even could wander and ride a horse in those places for weeks without having anything to eat.

Tugonbek walked along the rows of the Herat market and looked at the shops filled with goods from India, Iran, China and Egypt. He started to envy having seen handsome beks on their powerful horses. Towards the evening, he stopped at an old man's shop who sold various arms. The strong and short old man greeted him warmly:

— What can I do for you,my son?

Tugonbek said nothing. He took his knife off his wrist and handed to the old man.

— Old chap, help me. I will never forget your good deed as long as I am alive. I will remember you as my own father.

The old man was good at his job. He was brilliant at choosing the steel. He could find out not only the quality of the s teel but also he could tell where it had been made whether in Baghdad, Isfahan or Samarkand at once.

The old man stared at the knife for a while and then his eyes sparkled with happiness. Then in order to buy the knife at a lower price talked to Tugonbek with patience and calm:

— My son, I am a seller. I always look for people who appreciate such kind of things, but if you are in a very difficult situation I am ready to help you, because I have never built any mosques or madrassahs. I have not built any mausoleums for holy people and I have never been to Mecca for pilgrimage. Therefore, I have not doneany good deeds in my life.

— Old chap, − said Tugonbek touching his chin, − I am not going to sell it.

— Well, what do you want then? − asked the old man.

— I want you to keep it as a pledge, − answered Tugonbek sitting at the edge of the shop. — You will lend me five dinars; I will bring you six dinars in a month and get my knife back. If I cannot bring you your money back in that case you will buy it. You yourself will set a price for it then...

The old man kept silent for some minutes. Then he said:

— You have put me into a very difficult situation, what should I do?

— I have come to you as I have nothing to eat, − said Tugonbek in a begging voice. — When I was a baby my late father used to put this knife under my pillow. And I have been carrying it since I grew up.

— Oh, my son, I know. This steel has been saving you from different bad luck and it has always been one of the rare thoughts for you. That's why it is very sacred for you, but don't think that I will show it to every buyer. I will give it to a guy who also likes knives as you do. He appreciates a good knife more than his wife and he comes from barlos dynasty!

Tugonbek was in hopeless situation. He asked him to give his knife back, but the old man did not want to lose such a valuable thing. He hoped perhaps he would buy it at a very low price a month later and put his hand into his pocket and said:

— All right, my son, I do want to help you.

Tugonbek took five dinars, put them into his pocket and left.

Even though he had money to buy something to eat he was very sorry and unhappy to leave his knife. The thoughts whether he will be able to get the knife back were hurting him very much. He roamed for some time again. Then he entered a canteen and later in the evening he went to the madrassah. He entered the pub located along the large street leading to the Feruzobod Gate of Herat. He asked the owner of the pub, who was short and fat, sitting behind the jug of different sizesto give him obi angur *(Type of alcohol)* and then he sat down in the corner of the room. There were many people here. Some of them were sitting alone and having alcohol thoughtfully. Some of them were with their friends and drinking and laughing loudly. There were some old people talking to each other in the other corner of the room. One of them was reading a Persian poem with his weak voice. And the others were shaking their heads under the melody of the poem. A group of hooligans of the city were drinking alcohol as if they were competing with each other. A poet who was really drunk was boasting.

Tugonbek did not even feel the two cups of the obi angur because he used to drink alcohol very often as Kazakhs drink qimiz all the time. Usually he would spend much money on alcohol, but for the very first time in his life he had to break his rule. He stopped to continue drinking even though it was very hard for him. He stood up as he did not want to waste his entire money taken instead of his valuable knife, but at the exit someone shouted to him: Tugon! A son of bitch!

Tugonbek turned around and saw Toqli mergan *(A man good at shooting, sniper)* who was sitting among the old men. Even though Tugonbek was very happy to see him he greeted him very proudly and calmly and then he sat beside him. Tugonbek used to serve for the khakim of Badakhshan with this brave guy.

Toqli mergan also greeted him proudly and smiled: "So, drink it as you used to do before!" − he said and gave the cup to Tugonbek and asked for another cup of alcohol for himself. They drank the alcohol and then started to ask about each other. Tugonbek told him about his adventures and his present life. Toqli mergan told him that he had come back from Iraq a week earlier and was serving at Ikhtiyoriddin Castle. He considered Tugonbek an intelligent and wise person, so he was very sorry for him.

— The bird of luck will someday come to you, until that time whatever you do will not help you; − he said bending toward his friend. — I know that you can become a commander of huge troops. But keep it in your mind, don't hurry: now just think about enjoying the life!

— What should I do? − said Tugonbek, — should I become a sufi to a mosque or a student of craftsman?

I know a very good man here. He is somehow my relative. You know, I come from Herat. He is a very good man and he is very esteemed in the government. Yesterday I met him and he told me to find a brave and reliable guy to serve him. I had also been hired to the castle with his efforts. If you want, we can meet him right now.

Tugonbek drank the alcohol up to the end and cleaned his face with his sleeves and started to think, biting his thick mustache.

— I know you; your pride does not allow you! − Toqli mergan. — That's very bad. You will live in his house with pride and be honoured. Have you got it?

Tugonbek stared at his friend. He saw that his friend was talking sincerely, so he agreed. They had another cup of alcohol and then they left the pub.

They were met by an old man at the gate. Togonbek stared at the old man attentively and understood that he was a slave. The old man invited them inside warmly and then he disappeared somewhere. After a short period of time a door opened and an old man's voice was heard:

— Please, come in!

Tugonbek followed his friend and having entered the room he saw a middle aged, sly eyed, proud, nervous, selfish man sitting at the top of the room. He was Majididdin Muhammad − the son of Giyosiddin Pir Ahmad Havofiy who used to occupy the highest positions at Shokhruh's government. He was one of the small authorities during Abusaid mirzo's reign and now he was the vizier of Muhammad Sulton who was Husain Boyqaro's nephew.

Tugonbek greeted him and shook his hand. Toqli mergan sat down. Majididdin put the candle aside and stared at Togonbek and his clothes: he was a tall and brave guy and Toqli mergan was meek.

(Давоми кейинги сонда)

# Ҳаммол

(Ҳикоя)

Эрнест Хемингуэй (Америка ёзувчиси Нобель мукофоти совриндори)

Қандилат Юсупова таржимаси

(Охири. Бошланиши олдинги сонларда)

— Устара шунчаки бир хомхаёллик, холос, − бир нафаслик жимликдан сўнг ўйчан қиёфада сўз бошлади ҳаммол. — У сенга ҳеч қачон қалқон бўла олмайди. Дуч келган киши сенга шу темир парчаси билан азият етказиши мумкин. Сени сўймоқчи бўлганларни кучинг ошиб-тошиб, даф қилган тақдирингдаям, уларнинг-да сени мажақлаб ташлашга етгудек қурблари бўлади. Борди-ю чап қўлингда уни ёстиқдек тасаввур қила билсанг, унда сенинг олдингга тушадигани йўқ. Бироқ устарага муҳтожлигинг бўлган чоғда ёстиқни қай гўрдан топа олардинг? Ётоғида кимни жонидан маҳрум қилмоқчи бўласан, ўйла-чи?

Бу устара бир гумроҳлик, Жимми. Бу ҳабашларнинг жон қуроли. Қорачалпакларнинг доимий ва ажралмас қуроли бу. Аммо сен ҳозир уни қандай ишлатишларини ўрганиб олдинг. Бир қўлининг четида устарани қайира олиш унча-мунча ҳабашнинг қўлидан келавермайдиган иш. Биргина уддалай олганни ҳам, ўзини шу матоҳ билан ҳимоя қиламан, деган Жек Жонсонни ҳам сўрамай-нетмай Ливенуорсга бадарға қилишди. Пешонамиз шу экан, энди менга айт-чи, Жек Жонсондай баҳодирники қутқара олмаган мана шу матоҳ менга қандай каромат кўрсата оларди? Бу парчанинг бир миричалик ҳам қиммати йўқ, Жимми. Бу ҳаётда сенинг бор қадринг, эришажак мартабанг нима билан ўлчанади, биласанми − ҳаёт билан муросаи мадорангда. Мен ва ошпаз амакингга ўхшаш кишилар ана шундай муроса билан яшаб келдик. Ишонсанг, у бирор марта ҳаётга қарши бош кўтаргудек бўлганда ҳам, бу қаттол дунёнинг унга зиғирчалигам шафқат кўрсатганини кўрмадик. Кекса Жек ёхуд Маркус Гарвей каби ҳабашлар шу бемаъни устара туфайли гумроҳлик қилиб қўйишди, уларни дарҳол қозиққа ўтқаздилар ҳам. Қара, менинг бу устара орқасидан етиб келган гумроҳ оламимга сен бир назар сол.

Бу дунёда ҳеч нарсанинг қадри йўқ, Жимми. Ликёрга ҳам ишонма, худди мени бир соатчалик вақт мобайнида алдаб турганидек у сенга ҳам бирор кун яхшилик олиб келмайди. Сен билан мен мутлақо бошқа-бошқа тоифага мансуб инсонларимиз ва ҳеч қачон дўст бўла олмаймиз ҳам.

— Нега энди, ахир дўстмиз-ку.

— Мендек фақирни бу қадар улуғлама, қадрдоним Жимми, − деди у. — Сен беҳол, бировга зиёнзаҳмати тегмайдиган "Йўлбарс Чечаги"нинг шўр қисматини ҳам бир эшит. Башарти у бечора оқ танли бўлганида, аниқ миллионлаб долларлар дарёсида чўмилган бўларди.

— У ким бўлганди ўзи?

— Жангчи эди. Худо урган, шўрпешона битта жангчи.

— Унга нима қилишган?

— Уни ғалаба қучгани сари бир йўлдан бошқасига, сўнг яна иккинчисига судрайверишиб, охири тамом қилишган.

— Шармандалик, − дедим мен нафратим қўзиб.

— Жимми, дунёнинг ишларининг муқим бир қонуни бўлмайди. Айтайлик, аёллар сени бад-бадингга уриб кетишган, ёинки кун келиб сенам уйландинг дейлик, лекин сенинг хотинингнинг сабр-тоқати тошни ёрар даражада метиндек бўлиши керак. Темирйўл ишида тунлари сен уйдан олисда, қорин ғамида юрган бўласан. Сени кўнглингдагидек ҳурлиқо эса у ёқдан-бу ёққа индамай кетаверадиганлар хилидан бўлиши шарт, бахтга қарши бунақасини топишинг ўта амримаҳол, сабаби ҳеч бир нозанин бу каби машаққатга дош беролмайди. Сен уни орзу қиляпсан, ваҳоланки у ҳеч кунингга кўна олмаяпти, оқибат сен уни йўқотасан, сабаби у сенинг дақиқаларингга тоб беролмаяпти, алалхусус, бошингга не ғавғо ортардинг сен − эркак кишининг бутун ҳаёти давомида аёл танасига бўлган жиловлаб бўлмас ташналик уни оёғидан йиқитади, бинобарин, ликёр ичиб, ҳолинг ҳароблиги билан у хорлигингнинг ўртасида қандай тафовут бўлсин?

— Ўзингизни яхши ҳис қилмаяпсизми?

— Йўқ, ҳечам яхши эмасман. Жуда ёмон бўлиб кетяпман. Ёмон бўлмаганимда, шу гапларни алжираб берармидим сенга, тентаквой.

— Дадам ҳам эрталаблари шунақа ўзида эмас бўлиб қолади.

— Шунақа бўладими?

— Албатта.

— Бу мудҳиш офатдан қандай қутулади кейин?

— Бадантарбия машқларини бажаради.

— Яхши-ку, унда мен ҳам йигирма тўртта каравотни ташиб келтирай. Балким, бу чиркин ўйлардан халос бўларман.

Бу кун ёмғир бошлангандан бери поездда ўтган энг узун кун бўлди. Ёмғир поезд ойналарига шатирлатиб ураверib, уларни парлаган, шу сабабдан ҳам ташқарини тузук кўриб бўлмасди, аслида бутун табиат ана шундай мавҳум, хира ва хорланган каби аксланар эди. Биз сон-саноқсиз шаҳарчалар ва шаҳарлардан ўтдик, бироқ уларнинг бари ёмғирда яланғоч ва қорайган алпозда кўринар, Албаниядаги Худсон дарёсини кесиб ўтаётганимизда ҳам ёмғир шиддати ҳамон пасаймаган эди. Мен вестибюлда хомуш турарканман, Жорж келиб эшикни очди, шундагина мен ташқарини кафтдек кўра бошладим, аммо истиқболимга фақат кўприкнинг ҳўл бўлган темир панжараси ялт этиб чиқди, холос, ёмғир дарё ўзанини ҳам буриб юборганди, поездимизнинг томидан чак-чак этиб ёмғир томчилай бошлаганди. Шунга қарамай, ҳавода зариф, сархуш ислар кезарди. Бу кузак ёмғири эди, очиқ эшикдан мусаффо ҳаво сирғалиб кирар, худди кўлда сувга бўкиб қолган нам ёғоч билан темир парчасининг иси анқиб келарди. Поездда биздан бўлак бир талай йўловчилар кетар, аммо уларнинг ҳеч бири бу манзараларга қизиқиб қарамас, жиддий ва бепарво алпозда жим кетишарди. Кўҳликкина бир жувон ёнига ўтиришимни истади ва мен жувоннинг ёнига ўтирдим, аммо аёлнинг ёши мен тенги келадиган ўғли бор экан, алхусус, улар Нью-Йоркдаги мактаблардан бирontасига ишқибоз бўлиб, боласининг таҳсили борасида мени сўроқсаволга тутиш учун ҳам ёнига ўтқизган экан. Шу тобда мени ич-ичимдан бир неча соатлик ўтмишга қайтгим, Жорж билан бирга яна емакхонага боргим ва уни ошпаз амаки билан чапаниларча гап сотишини мириқиб-мириқиб эшитгим келарди. Аммо одатий кунларнинг барида Жорж менга гўё нотанишдек муомала қилар, жуда кам гапирар, жуда тавозе ва расмиятчилик билан сўзларди, мен уни кетма-кет тетиклаштирувчи муздек сув ичиб юрганини сезиб қолдим.



Ниҳоят, ёмғир тинди, бироқ тоғлар бошида кўрпадек-кўрпадек булутлар галаси уймалашганча кезарди. Биз дарё бўйлаб кетиб борардик, атроф ғоятда гўзал, бунақа гўзалликни мен ҳатто бир маҳаллар якшанба тушлигини ейиш учун кўл бўйига борганимизда ўзимиз билан олиб борадиган миссис Кенвуднинг китобидаги суратларда ҳам учратмаган эдим. Китоб шапалоқдек келарди, одатда дастурхон тузалган стол устида турар, мен уни кечки таом тайёр бўлишини кутаётган пайтимда варақлаб ўтирардим. Китоб безаклари худди ёмғирдан кейинги яланғоч, маъюс ва толиққан, ичида ўзанидан тошиб санқиган дарёси бор шу мамлакатга ўхшаб кетарди, қиррадор тоғлари бора-бора охири кулранг тошга айланиб қоларди. Аҳён-аҳёнда дарёнинг нариги томонида кетиб бораётган поезд ҳам кўзингизга кўриниб кетарди. Оғочларнинг барглари куз келиши билан сарғая бошларди, баъзан ўша дарахт шохлари орасидан маъсуд оқаётган дарё нигоҳингизни олиб қочарди, дарё китобдаги суратлар каби қадимий ва хароб бўлиб кўринмас, аксинча, одам зоти яшай оладиган бирдан-бир беҳадик ва серзавқ жойга ўхшаб аксланар, сиз у ерда мароқ билан балиқ тутгингиз, ҳузур билан тушлигингизни еяётиб эса дарё ёқасидан ўтиб бораётган поездни томоша қилиб ўтиргингиз келарди. Аммо буларнинг бари китоб безакларига номуносиб бўлган пучак ҳаёллар эди, бари қоронғу, етиб бўлмас, ғариб ва бегона орзулар эди. Эҳтимол, ичимдаги бу нохушлик, бу озурдалик узоқ ёққан ёмғир ва офтобнинг ҳадеса юз кўрсатавермагани туфайли кечаётгандир.

Елвизак шамол дарахт япроқларини учириб ўйнаганида дарахтлар беҳад бахтиёрдек хушҳол солланар, улар орасидан одимлаб борарканcиз, гўё дарахтлар ҳечам ўзгармагандек, фақатгина япроқсиз, шунчаки ёлғиз бўлиб қолганга ўхшаб туришарди. Бироқ ёмғир баргларни ерга тўкиб, уларни ҳўл ва жонсиз қилганида, бағирларини ер билан битта қилганида, дарахтлар ҳам ўзгарар эканлар, қанақадир совуқ ва бегона бўлиб қоларканлар. Худсон қучоғига қайтиб келиш бениҳоя ҳузурбахш эди, бироқ менинг озурда кўнглим, негалигини билмайман, аммо бу орзиққан қалбим яна ва яна ўша қадрли кўл томон тортқилар, юрагим шу қайтиш соғинчи билан ширин энтикиб кетарди. У оний манзаралар бир пайтлар таниш китобимда чизилган лавҳалар бахш этган беназир ҳиссиётларни дилимга солар, улар мен ўша китобга ошён бўлган хонани кўз олдимда гавдалантирар, ақлимдан айирар, гўёким мен ўз уйимдамас, етти ёт нотаниш кимсанинг уйида яшагандек бўлар, тушлик сониялари, ёмғирдан кейинги шалаббо оғочлар ости нуқул кўз олдимда жонланаверарди, куз адоғига етиб, шимолда сокинлик ва оромийлик даври бошлангач, қушлар ҳам аллақачон бу ерларни тарк этган бўлади, ўрмон салтанати ҳам сайр қилиш учун ортиқ ўзига тортмай қўяди, уззукун фақат ёмғир қуяди ва сиз энди ичкарида қолиб, иссиқ печ ёнида оёғингизни узатиб ўтиришни истаб қоласиз. Кўрган-кечирганларимнинг барини ҳам ҳаёлимдан ўтказдим деб айтолмайман, негаки ҳеч қачон бу қадар узоқ ва кўп ўй сурмаганман ҳам, бу қадар чексиз сўзларга сиғинмаганман ҳам, валекин ботинимдаги ўша бетакрор кунларим қолдирган туйғуларнинг ҳаммасини Худсон дарёси менга армуғон қилганди. Ёмғир эса ҳамма нарсани одамга бегона қилиб қўяркан, ҳаттоки ўз уйингни ҳам.

**Тамом.**

